



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



Ўзбекистон Республикаси
судлари фаолиятини
молиялаштириш тизими



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИ

Тошкент-2020

МУАЛЛИФ:

Равшан Дедамирзаев

Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти бўлими бошлиғи

НАШР КООРДИНАТОРИ:

Раъно Исмаилова

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик”
лойиҳаси таск менеджери

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастирининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, БМТ Тараққиёт Дастури, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ёки АҚШ ҳукуматининг расмий нуқтаи назарини акс эттирамайди.

Нашрнинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.sud.uz ва БМТ Тараққиёт Дастирининг www.uz.undp.org интернет сайтларида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.
Телефон: (+998 71) 239-02-67

МУНДАРИЖА

1. Кириш	7
2. Асосий қисм	7
3. Тавсиялар	16
4. Хулоса	17
5. Иловалар	19

1. КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашда ҳукумат томонидан давлат механизмига жуда кўп ўзгартиришлар киритилмоқда. Шу жумладан, судлар фаолиятининг моддий-техник ва молиявий таъминотида ҳам кўплаб янгиликлар амалга оширилди, фуқароларни адолатга чорлашда суд аҳамиятга эгалигини ҳисобга олиб, судларга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилган.

Судларнинг моддий-техник ва молиявий таъминотини шу билан бирга, моддий-техник ва молиявий таъминоти ҳам, 2017 йилдан бошлаб эса, судларда янги тузилма жорий қилинди, ягона Олий суд ташкил этилиб, Олий суд қўйи судлар, яъни фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва функция на узбекском структура, функция, маъмурий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат қиласи, шунингдек Олий суд қўйи судларнинг ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимииятининг олий органи ҳисобланади.

2. АСОСИЙ ҚИСМ

Судлар бюджет ва “Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси” ҳисобидан молиялаштирилади. Бюджет ҳисобидан ажратиладиган маблағлар миқдори ҳар йилнинг якунода, кейинги йил учун давлат бюджети параметрларида алоҳида сатрда кўрсатилади ҳамда “Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси” ҳисобидан ажратиладиган маблағлар миқдори ҳар йилнинг 4-чорагида, кейинги йил учун тушумлар прогнозига асосан аниқланади. Шунингдек, ҳомийлик ҳам мавжуд. Ҳомийлик ишлари Ўзбекистон Республикаси Ҳомийлик тўғрисидаги қонунга асосан амалга оширилади. Мисол тариқасида, 2019 йилда БМТ томонидан суд залларига суд жараёнини онлайн трансляция қилиш учун техникалар берилди, Ўзбекистон Республикаси солиқ кўмитасидан вақтингчалик фойдаланиш учун компьютерлар берилди, айрим ҳолларда ҳокимиятлар томонидан техника ва биноларни таъмирлаш ишларига ёрдам берилади. (**Илова-1**)

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фақат бюджет ҳисобидан молиялаштирилади ва фаолиятини таъминлашда ўзи, бухгалтерия ва хўжалик бўлими томонидан амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi бюджет ва жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади ва фаолиятини ўзи, молия-хўжалик бўлими томонидан амалга оширади. Молия вазирлиги бюджет ҳисобидан ва Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти жамғарма ҳисобидан маблағларни ажратиб беради.

Қўйи судлар:

- Ҳарбий судлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари;
- фуқаролик ишлари бўйича туманлааро, туман (шаҳар) судлари;
- жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари;
- туманлааро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари;
- туман (шаҳар) маъмурий судлар фаолиятини таъминоти Олий суд хузуридаги Департамент, яъни Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти томонидан Молия вазирлигининг йил учун ажратиб берган маблағларига асосан амалга оширилади.

Суд ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига асосан 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилган.

Олий суд хузуридаги Департамент судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича функцияларни амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади. Олий суд Департамент тузилмасига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари киради ва ўз фаолиятини бевосита ҳудудий бўлимлар орқали амалга оширади.

Судларни бюджет ҳисобидан таъминланишида биринчи навбатда ҳар иили Молия вазирлигига кейинги 3 йил учун бюджет ҳисобидан харажатлар лойиҳаси, яъни бюджет буюртмаси топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар иили 15 апрелга қадар келгуси давр учун бюджет буюртмасини тузиш тартибини белгилаб, бюджет сўровини бюджетдан маблағ оловчиларга юборади.

Бюджет сўровига асосан судларнинг маблағлардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўз ичига оловчи, ўтган йилда эришилган натижалар ва жорий йилда кутилаётган натижалар тўғрисидаги таҳлилий ҳисоботлар, харажат мажбуриятларининг уларни киритиш учун асос бўладиган ҳамда молиялаштириш манбалари ва амал қилиш муддатларини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномалар ва уларнинг алоҳида қоидалари кўрсатилган реестрини, ривожлантириш дастурларини тузилган келгуси давр учун бюджет буюртмаси тузилади.

Бюджет буюртмасини Олий суд хузуридаги Департаментнинг ҳудудий бўлимлари томонидан марказий аппаратга қуий судлар бўйича жорий йилнинг 1 июнигача, Олий суд хузуридаги Департаментнинг марказий аппарати, томонидан қуий судларнинг, Ўзбекистон Республкаси Конституциявий суди, Олий суди ва Судьялар олий кенгashi ўзининг бюджет лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жорий йилнинг 1 июлигача тақдим этади. Ушбу бюджет лойиҳасига асосан бюджет параметрларида судлар учун бюджет ҳисобидан кейинги йил харажатлар миқдори тасдиқланади.

Мисол тариқасида, бюджетнинг асосий параметрларида 2019 йил учун суд органларини сақлаш харажатлари учун 319,9 млрд. сўм миқдорида маблағ тасдиқланган. Молия вазирлигига тақдим этилган бюджет буюртмасидаги сўралган маблағ тўлиқ ажратилган.

Бюджет параметрларида тасдиқланган маблағлар йиллик харажатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республкаси Конституциявий суди, Олий суди,

Судьялар олий кенгashi ва қуий судларга тақсимланади. Қуий судларга тақсимланган маблағ Олий суд ҳузуридаги департаментга берилади.

Тақсимланган маблағларга асосан йилнинг якунинда кейинги йил учун харажатлар сметасини тузиш жараёни бошланади.

Албатта, йилдан йилга бюджетдан маблағ олувчиларнинг таъминоти такомиллашиб бормоқда. Илгари ҳар ой бюджетдан маблағ олиш учун Молия вазирлигига бланкалар тўлдирилган ва юборилган, режадаги маблағни ажратишга тўлов топшириқномаси тайёрланнган. Ҳозир эса режалаштирилган маблағлар автомат тарзда ойма ой ажратиб берилади.

Бундан ташқари маблағларни сарфланиши бўйича чораклик ҳисоботлар 2-шакл, баланс, кредитор ва дебитор қарздорликлар ҳамда бошка ҳисоботлар Молия вазирлигининг УзАСБО дастури орқали юритилади. Илгари ушбу ҳисоботларни ҳудудлар кесимида бирма-бир шакл киритилиб умумлаштирилган бўлса, ҳозирда эса ҳудудлар жойида УзАСБО дастурига киритади ва Республика бошқармасига юборади, Республика электрон шаклни қабул қилиб олади. УзАСБО дастурини яна бир қулайлик жойи, барча маълумотларни турли хил кўринишида олиш мумкин.

Бугунги замонда давлат томонидан бажариладиган хизматлар электрон ва автомат тарзда бажарилиши жорий қилинмоқда, албатта банк тизимини олсак, банк тизими деярли тўлиқ автомат тизимига ўтган десак бўлади. Республикаизда Давлат хизматларини тақдим этиш жараёнини автоматлаштириш ва давлат хизматларини тақдим этишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни ривожлантиришда бир қатор лойиҳа ва чора-тадбирлар белгиланган. Албатта банк тизимини олсак, бу тизим деярли тўлиқ автоматлаштирилган, десак бўлади. Шунингдек, давлат ғазначилиги хам кўп операцияларини автомат тизимига ўтказгани маълум.

Суд залларини видеоконференцалоқа тизимлари билан таъминлаш бўйича аниқ дастурларга асосан 2018 йилда 31 та, 2019 йилда 100 та видеоконференцалоқа тизимлари ўрнатилди. Бунинг натижасида мазкур тизим ўрнатилган суд заллари сони 200 тага, ундан фойдаланувчи судлар сони 399 тага етган. 2017–2019 йиллар ҳамда 2020 йилнинг I чораги мобайнида судларда 21 мингдан ортиқ суд мажлислари ВКА режимида ўтказилиб, унда қатнашган 45 мингга яқин тараф вакилларининг қарийб 14,3 млрд. сўмлик маблағлари тежалашига имконият яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарорига мувофиқ, “Электрон жиноят иши”нинг дастлабки лойиҳаси доирасида жиноят ишлари бўйича Яккасарой ва Миробод туман судлари умумий қиймати 124,1 млн. сўмни ташкил этган маҳсус ускуналар билан жиҳозланиб, тайёр ҳолатга келтирилган.

“Туманлараро (туман, шаҳар) даражасидаги судлар ўртасида маълумот алмашиш учун ягона корпоратив алоқани ташкил этиш мақсадида оптик толали алоқа линияларини қуриш” бўйича умумий қиймати 1,14 млрд. сўмлик лойиҳа амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича функцияларни амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади. Олий суд ҳузуридаги Департамент тузилмасига 14 та ҳудудий бўлимлари киради.

Олий суд ҳузуридаги Департаментнинг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

- судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича ишни ташкил этиш, шунингдек уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;
- судлар биноларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг самарали ўзлаштирилишини таъминлаш, судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни қўриш;
- судьялар ва суд аппарати ходимларининг меҳнат шароитларини, моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашнинг жорий аҳволини тизимли таҳлил қилиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашни ривожлантириш юзасидан узоқ муддатли комплекс дастурлар тайёрлаш;
- судьялар ва суд процессларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш.

Олий суди ҳузуридаги Департамент судларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда навбатдаги молия йилида уларнинг фаолиятини молиялаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва уларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда молиявий маблағларни тегишли шахсий ғазна ҳисобвараклари орқали судларга етказади. Судлар фаолиятини зарур даражада таъминлаш масалалари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласади. Судьялар ва суд процессларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди, ушбу мақсадлар учун ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг куч ва воситаларини белгиланган тартибда жалб қиласади. +удудий бўлимларни бошқаради ва уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Олий суд билан биргаликда марказий аппарат, ҳудудий бўлимлар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишни амалга оширади, уларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қиласади.

Олий суд ҳузуридаги Департаменти ўз ваколатлари доирасида ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун илмий ва бошқа ташкилотлар, олимлар ва мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қиласади, қонун ҳужжатларига мувофиқ, судлар ва Олий суд ҳузуридаги Департамент органларини моддий-техник таъминлаш бўйича буюртмачи сифатида иштирок этади, ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун тегишли органлар ва ташкилотлардан зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва бошқа материалларни белгиланган тартибда олади. фуқаролик-ҳуқуқий битимларни тузади.

Олий суд ҳузуридаги Департамент судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш учун жавобгардир.

Олий суд ҳузуридаги Департаментга Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор бошчилик қиласади. Олий суд ҳузуридаги Департамент директори моддий, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринbosарига тенглаштирилади. Олий суд ҳузуридаги Департамент директори

ўринбосари ва худудий бўлимлари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси билан келишилган ҳолда Олий суд ҳузуридаги Департамент директори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар. Олий суд ҳузуридаги Департамент марказий аппаратининг бошқа ходимлари Олий суд ҳузуридаги Департамент директори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар. Ҳудудий бўлимларнинг ходимлари ҳудудий бўлим бошлиғи тақдимномасига кўра Олий суд ҳузуридаги Департамент директори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар.

Олий суд ҳузуридаги Департаментнинг худудий бўлимлари жойларда судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш ишларини амалга оширадилар. Олий суд ҳузуридаги Департаментнинг ҳудудий бўлимлари юридик шахс ҳисобланади, бевосита Олий суд ҳузуридаги Департамент томонидан молиялаштирилади ва ўз фаолияти тўғрисида Олий суд ҳузуридаги Департамент директорига ҳисоб беради. Олий суд ҳузуридаги Департаментнинг директори бўлмаган тақдирда унинг ваколатларини директор ўринбосари амалга оширади.

Энди смета тузиш жараёнига қайтайлик.

Бюджет ҳисобидан ажратиладиган маблағлар учун биринчи ўринда кейинги йилнинг 1-чораги учун вақтинчалик харажатлар сметаси тузилади, муддати жорий йилнинг 20 декабрь куни қадар, кейин йиллик харажатлар сметаси тузилади, муддати кейинги йилнинг 10 март кунига қадар. Бутартибда харажатлар сметасинини тузилиши, режалаштирилган маблағларни тўғри тақсимлашга, ҳисоблар билан асослантиришга ва самарали режалаштиришга вақт беради.

Харажатлар сметасига режалаштириладиган маблағлар, Молия вазирлигининг шаклларига киритилади ва ҳар бир худуд кесимида тасдиқланиб, Республика бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтказилади. Республика бошқармаси худудлар кесимидағи харажатлар сметасини умумлаштиради, ва жамланма харажатлар сметасини тузиб, тасдиқлайди ва Молия вазирилгига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади. Молия вазирлиги харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказиб, харажталар сметасидаги харажат кодлар бўйича 12 ойга бўлинган маблағларни дастурга киритади. Йил давомида мазкур дастурга киритилган маблағлар миқдорида харажат қилиш мумкин, ушбу киритилган маблағдан кўп миқдорини дастур ҳисобга олмайди.

Келажакда бюджет ҳисобидан маблағ олиниши тўлиқ электрон шаклда амалга оширилиши кутилмоқда. Яъни вақтинчалик харажатлар сметаси, йиллик харажатлар сметаси, штат жадваллари ва уларга ўзгартиришларни тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш дастур орқали амалга оширилишини йўлга қўйилса, 50% қулайликларга эришилади.

Харажатлар сметасига маблағларни режалаштириш тартибиغا ўтамиш.

Ўзбекистон Республкаси Конституциявий суди, Олий суди ва Судьялар олий кенгаши ўзининг харажатлар сметасини тузади, Олий суд ҳузуридаги Департамент қуийи судларнинг харажатлар сметасини тузади.

Бюджет ҳисобидаги харажатлар сметаси 1, 2, 3 ва 4-гуруҳларга бўлинади. Судларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар 1-гуруҳда, иш ҳақига тўланадиган ягона ижтимоий тўлов, судьяларни ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилишга 2-гуруҳда, суд биноларини қўриқлаш, автомашина ҳарид қилиш,

судьяларнинг пенсияси, хўжалик харажатлари, уй-жой ижараси учун тўловлари 4-гуруҳда кўрсатилади.

Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасидан 1, 2 ва

4-гуруҳларга бўлинади. Судларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари 1-гуруҳда, иш ҳақига тўланадиган ягона ижтимоий тўлов 2-гуруҳда, мебель, техника ва бошқа жиҳозлар ҳарид қилиш, биноларни капитал таъмирлаш 4-гуруҳда кўрсатилади.

Шунингдек, 2018 йилдан бошлаб, босқичма-босқич бюджет ҳисобидан судларга янги биноларни қуриш учун Молия вазирлигининг инвестициялар башқармаси томонидан тасдиқланган дастурга асосан маблағ ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси судлари, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши судьялари ва аппаратлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ва ходимларига меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича босқичма-босқич ўзгартиришлар киритилиб, сезиларли даражада ошириб берилган.

Судья ва суд ходимларининг иш ҳақи тўловлари штат жадвалларида белгиланган разрядларига асосан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси бўйича оклади аниқланади.

Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра судлар, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши судьялари ва аппаратлари ходимларининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари бир ярим баравар миқдорда қўлланилади.

Малака даражаси ва мансаб даражасига эга бўлган судьялар ва суд органлари ходимларига алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига қонун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблашда лавозим маоши таркибига киритиладиган 50 фоиз миқдорида устама ҳар ойда тўланади.

Судьялар ва суд органлари ходимларининг кўп йиллик хизматлари учун, лавозим маошларига (меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти) устамалар ҳамда малака даражаси ва мансаб даражаси учун ҳар ойлик қўшимча ҳақ миқдорлари адлия органлари ходимлари учун белгиланган миқдорларга тенглаштирилган. **(Илова-2)**

Суд органлари судьялари ва бошқарув ҳодимлари, айrim техник ҳодимларига давлат хизматчиларининг устамаси ҳар ойда тўланади, яъни лавозим маошлари ва алоҳида меҳнат шароитлари учун устамадан 40 фоиз миқдорида ҳисобланади.

Барча судьялар ва суд органлари ходимларига лавозим маоши, алоҳида меҳнат шароити ва давлат хизматчилари устамасидан 15 фоиз миқдорида моддий рағбатлантириш фонди ҳисобидан шахсий устама ҳар ойда тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига юқори малакали, ташаббускор, хизмат мажбуриятларини ҳалол ва самарали бажараётган судьялари ва ходимларига Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча равишда ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 100 фоизигача миқдорда устама (пул таъминоти) тўлаш ҳуқуқи берилган.

Махсус унвон ва даражалар мавжуд бўлиши назарда тутилган назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлардан тайинланган (сайланган) судьяларга малака даражалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судьялар малака даражаларининг бошқа органлар унвонлари ва

даражаларига нисбатини ҳисобга олган ҳолда, лекин эгаллаб турилган лавозим учун назарда тутилганидан юқори бўлмаган ҳолда берилади.

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар томонидан иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига (контрактига) мувофиқ ишларни бажараётган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, яъни солиқ солинадиган базага нисбатан 25 фоиз миқдорида солиқ тўланади, шу тарзда судья ва суд ҳодимларининг иш ҳақи тўловлари учун иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида ягона ижтимоий тўлови тўланади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахснинг даромадларига 12 фоизли ставка бўйича солиқ солинади, шу тарзда судья ва суд ҳодимлари иш ҳақиларидан 12 фоиз даромад солиғи тўлайдилар.

Илгари, 2019 йилдан олдин, судьялар даромад солиғидан озод этилган эди, 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасидаги барча ҳодимларга 12 фоиз даромад солиғи белгиланганлиги маносабати билан, судьяларга ҳам ушбу солиқ қўлланилиб, даромад солиғига ўтиб кетган иш ҳақи миқдорини “Тузатувчи коэффициент” орқали сақлаб қолинган, яъни судьяларнинг даромад солиғисиз олган иш ҳақиси, ҳозирги даромад солиғи ушлаб қолинганида оладиган иш ҳақиси миқдорига teng, ўзгаришсиз қолдирилган. Албатта бунинг учун бюджет томонидан қўшимча маблағ ажратилган. Судьяларнинг иш ҳақилари ҳисобланнишида, биринчи бўлиб оклади “Тузатувчи коэффициент”га кўпайтириб олинади, кейин тузатувчи коэффициентга кўпайган окладидан бошқа иш ҳақи тўловлари ҳисобланади ва бир ойлик иш ҳақи аниқланади.

Хизмат сафари, судья ва суд ҳодимлари иш жойидан ташқарида хизмат топшириғини бажариш учун бошқа жойга, маълум бир муддатга юборилиши, бориб келиши тушунилади. Судьяларни Олий судга хизмат сафарига юбориш, раҳбарлар чақириғига ёки улар билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Судья ва ҳодимларнинг хизмат сафари муддати суд раиси томонидан белгиланади ва ҳар бир ҳолат учун йўлдаги вақтни ҳисобга олмаган ҳолда 40 кундан кўп бўлмаслиги керак. Хизмат сафари муддатини узайтириш истисно тариқасида фақат хизмат сафарига юборган суд раисининг ёзма рухсатномасига асосан рухсат берилади. Хизмат сафарига юборилган жойда ҳақиқатда ўтказилган вақт хизмат сафари жойига келган ва хизмат сафари жойидан кетган кунларни хизмат сафари гувоҳномасига белги қўйиш орқали аниқланади. Хизмат сафарига чиқиш куни бўлиб транспорт воситасида 24 соат ичидаги вақт, 00 дан ва ундан кечроқ вақт — кейинги сутка ҳисобланади, келиш куни эса — транспорт воситасида доимий иш жойига келиш куни ҳисобланади. Хизмат сафаридан бўлган судья ва ҳодимларга улар юборилган жойдаги иш вақти режими ва дам олиш вақтлари тааллуқли бўлади. Хизмат сафари вақтида фойдаланилмаган дам олиш кунлари, бошқа дам олиш кунлари хизмат сафаридан қайтганда тикланмайди. Хизмат сафарига юборилган ҳодимга турар жой ижараси, хизмат сафари жойига бориш ва иш жойига қайтиш харажатлари қопланади, шунингдек кундалик харажатлар тўланади.

Хизмат сафаридан ва йўлда бўлган вақт учун кундалик харажатлар Тошкент шаҳрида, шаҳарлар, вилоятлар марказларида базавий ставканинг 0,1 фоизи, бошқа шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларда базавий ставканинг 0,08 фоизи, ушбу кўрсатилган харажатларни қоплаш ҳақиқатда қилинган харажатларни ҳужжатлар билан тасдиқлашсиз амалга оширилади.

Хизмат сафари жойидаги турар жойни ижарага олиш бўйича харажатлар хизмат сафарига юборилган ҳодимни келиш ва кетиш кунлари бўйича ҳақиқатдаги харажатлар люкс-номерлардан ташқари, шунингдек тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда меҳмонхоналарда кўрсатиладиган қўшимча хизматларга, яъни жойларни бронлашга ҳақ тўлаш харажатлари қопланади. Агар меҳмонхоналарни люкс-номерларида яшаганигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда, турар жойни ижарага олиш бўйича ҳақ тўлаш ушбу номер қийматини 70 фоизи миқдорида амалга оширилади. Турар жойни ижарага олганлик бўйича харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, ҳар бир сутка учун белгиланган баъзавий ставканинг 2 фоизи миқдорида қопланади.

Судья ва суд ҳодимларига тезкор топшириқ билан хизмат сафарига юборилган ҳолатда, хизмат сафар учун ўтказиладиган аванс тўловини 1-2 соат ичидаги тўлаб бериш имкони бўлмайди, шу сабаб, хизмат сафар учун тўланадиган маблағларни айрим қисмини нақд пул шаклда сейфда сақлаш масаласини кўриб чиқиш лозим.

Судларнинг асосий воситалар билан таъминоти судларни иш жараёни ва хажмидан, судлардаги штат бирликларидан келиб чиқиб, фуқаролар судга мурожаат қилишида юзага келаётган муаммо ва қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда, дастурларга асосан амалга оширилади. Судлар фойдаланишида бўлган барча асосий воситалар, яъни бино, автомашина, мебель, техника ва бошқа асосий воситалар Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти балансида туради. Судларни балансида асосий воситалар бўлишига йўл қўйилмайди.

Бюджет ҳисобидан судларга янги бинолар қуриш ва судларни автомашина билан таъминлаш амалга оширилади. Жамғарма ҳисобидан суд биноларини капитал ва жорий таъмирлаш ишлари, мебель ва хона жиҳозлари, копмьютер ва бошқа техникалар, суд залларига суд жараёнини онлайн трансляция қилиш техникалари билан таъминланади.

Судларга янги бинолар қурилиши, суд ишларини кўришдаги талаблар, суд залида айрим тоифадаги судланувчиларни сақлаш жойи, бошқарув ва техник ҳодимлар сонидан келиб чиқиб, фуқароларни қабул қилиш жойлари, судья ва ҳодимларни кириб чиқиш фуқароларни қабул жойидан ажралган бўлиши, канвойлар кириб чиқишига дарвоза, мажлис залларини ўлчами ва кўриниши ўрганиб чиқилади ва шунга асосан янги бинолар қурилиш лойиҳаси тасдиқланади. Мазкур янги биноларни қуриш лойиҳаси томонидан тасдиқланади. Суд биноларини тасдиқланган лойиҳасига асосан янги бинолар қурилади. Албатта янги бино қурилишида бажариш муддатлари ҳам белгиланади.

Маълумки, Ҳурматли Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сон Фармонига асосан 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб янги судлар ташкил этилиб, уларнинг сони 607 тани ташкил этди. Мазкур Фармон талабидан келиб чиқиб, судларни жойлаштириш бўйича мутасадди идоралар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилди. Шунингдек, республика судларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш борасида аниқ ишлар бажарилди.

Маълумот тариқасида келтириб ўтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга

мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4067-сон Қарорига мувофиқ, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Олий суд учун суд биноларини қуриш ишларига 50,0 млрд. сўм маблағ ажратиш белгиланган, суд биноларини янги қурилиши учун тасдиқланган Дастур Олий суд, Олий суд ҳузуридаги Департамент, Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси томонидан тасдиқланади.

Жорий йилда 44 та судлар учун 18 та янги бинолар, 9 та суд учун 7 та мавжуд биноларни реконструкция қилиш ишлари орқали жами 53 та судлар фаолияти учун энг замонавий шароит яратиб берилмоқда. Шу кунга қадар ушбу бино билан бирга 38 та туман (шаҳар) судлари учун 15 та янги бинолар қуриб топширилди. Шунингдек 8 та суд учун 6 та биноларда реконструкция қилиш ишлари тўлиқ якунланди. Яқин кунларда яна 6 та туман судлари учун 3 та янги бинолар қуриш ҳамда 1 та суд биносининг реконструкция қилиш ишлари якунланиб фойдаланишга топширилади.

Бюджет ва жамғарма ҳисобидан маблағ ажратилиши, харажатлар сметасига маблағ режалаштириш орқали амалга оширилади, лекин бюджет ҳисобидан янги бино қурилишига Молия вазирлигининг Давлат ривожлантириш дастурларини молиявий таъминлаш Департаменти томонидан маблағ ажратилади. Судлар тизимида бюджет, яъни марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан режалаштирилаётган барча қурилиштизимида бюджет, яъни марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан режалаштирилаётган барча лия вазирлигининг ишлари якунланиб фоладди

Судлар фойдаланишида бўлган бинолар фасади, хоналари, том қисми, иситиш тизими ва бошқа қисмлари ҳолати ҳар йилнинг якунида ўрганиб чиқилиб, таъмирга эҳтиёжи бор бинолар умумлаштирилади, ва босқичмабосқич таъмирлашга кейинги йил учун дастур тузилади. Биринчи навбатда иисиқлик тизими ва том қисмини таъмирлаш масалалари инобатга олинади. Дастурни Олий суд раиси ва Олий суд ҳузуридаги Департамент директори томонидан тасдиқланади, шундан сўнг кейинги йил харажатлар сметасига киритиш учун Молия вазирлигига тақдим этилади.

Ҳозирги даврда, биноларнинг атрофига автомашина турар жойлари йўқлиги ёки кичиклиги муаммо келтириб чиқармоқда. Суд биноларини қурилишида судья ва суд ҳодимларининг ва судга келган фуқаролар автомашиналари учун турар жойиларини ҳам қуриш мақсадга мувофиқ бўлади, бунинг учун албатта қўшимча ер майдони ажратилиши лозим бўлади. Агар давлат идоралари, шифохоналар, бозор ва бошқа хизмат идоралари атрофига автомашина турар жойлари бўлиши, шаҳар ва туман марказларини анча тартибга солади, бу эса марказга янада замонавий кўриниш беради.

Автомашина таъминоти, Олий суд ва Молия вазирлиги ўртасида тасдиқланган 2019 йил дастурга асосан вилоят ва унга тенглаштирган судларнинг раисларига 1 тадан, раис ўринбосарларига 1 тадан, навбатчи 1 тадан, туман (шаҳар) ва туманларо судлари раисларига 1 тадан автомашина бўлишини таъминлаш ва ишлаб чиқарилганига 10 йил бўлган автомашиналарни бюджет маблағлари ҳисобидан янгилаш режалаштирилган бўлиб, мазкур йилнинг якунига қадар автомашина билан таъминлаш ишлари якунланади. Кейинги йилдан эса, фақат ишлаб чиқарилганига 10 йил бўлган автомашиналарни янгилаш ишлари амалга оширилади. Ҳозирги кунда, судлардаги автомашина сонига нормани белгиловчи аниқ бир меъёрий

хужжат йўқ, шунинг учун Молия вазирилги ва Олий суд ўртасида судларнинг автомашина таъминоти нормаси ишлаб чиқиш режалаштирилган. Ҳар бир мавжуд автомашиналарга 1 тадан ҳайдовчи ажратилган.

Автомашина техникалар ичida асраб авайлашда мураккаб ҳисобланади. Ҳайдовчи автомашинани ҳайдаш жараёнида йўлларга эътибор бериш, ўз вақтида мой ва керакли қисмларини алмаштириш, тўғри ҳайдашга эътибор қаратиш лозим бўлади. Суддаги автомашиналарни химояга олиш учун автомашина қисмларига Департаментнинг ихчамлаштирилган муҳрини уриш, шунда ҳам кичик қисмларига муҳр уришни имкони йук, белгиланган мой ва қисмларни муддати келганда алмаштириш графиги ташкил этиш лозим бўлар. Шунингдек, автомашина таъмирлаш жойларига қўшимча талаблар қўйиш, яъни келган автомашиналарни рўйхатга олиш китобини ташкил этиш, таъмирлаш жойида хар томондан автомашинани кўриш мумкин бўлган видео камералар ташкил этиш мумкин. Бундан ташқари, автомашинани кўпроқ асосий қисмларига, яъни кузов, мотор, стартер, аккумулятор, шина, диск ва бошқа қисмларга рақамлаштирилган белги қўйиш, ишлаб чиқарувчи ҳаридорга ушбу рақамлаштирилган белгилар бўйича қўшимча маълумот хужжатини берилишини ташкил этиш мумкин.

3. ТАВСИЯЛАР

Судларнинг таъминотида кўпинча сифатсиз ишлаб чиқарилган маҳсулотларга дуч келиш мумкин. Хозирги замон талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сафатидан кўра сони муҳим бўлмоқда. Чунки, сифатли маҳсулотга сифатли ёки кўпроқ хом-ашё керак бўлади, бу эса маҳсулотни нархини оширади ва эҳтиёжни таъминлашга тўсқинлик қиласди. Албатта биринчи навбатда маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ресурслар етарли бўлиши лозим, агар маҳсулот ишлаб чиқаришда фақат тугамайдиган ресурслардан фойдаланилса арzon бўлади, тугайдиган ресурслардан фойдаланилса қиммат бўлади. Маҳсулотларни сифатли ва етарли ишлаб чиқариш учун тугайдиган ресурсларни кўпайтириш чораларини кўриш лозим. Лекин кўп зарур ресурсларнинг ердаги миқдорида чегараси бор. Бу ресурсларга ва бу ресурслардан ишлаб чиқаришда фойдаланилган маҳсулотларни нархи аҳоли сони кўпайишига қараб ошиб бораверади.

Маҳсулотларга эътибор қаратадиган бўлсак, маҳсулотлар устидан қилинган тадқиқотлар йўқ. Мисол тариқасида суд биноларига эшиклар ўрнатишда, биламиз қандай эшик ўрнатилса замонавий ва қулай бўлишини, яъни очганда жойни банд қилмасдан ёнга йиғишириладиган, ручкалар ва ўзи мустаҳкам, кўриниши чиройли, кўринишини 50 йилда ҳам йўқотмидиган эшикни ясаш хозирги замонда мумкинлигини биламиз, лекин бундай эшикни ишлаб чиқариш учун тадқиқот қилмаймиз.

Судларни таъминоти ҳуқуқий-норматив хужжатларни асосан амалга оширилади. Лекин вақт ўтиб ҳуқуқий-норматив хужжатларни такомиллаштириш талаблари пайдо бўлади, айниқса бугунки кунда ҳуқуқий-норматив хужжатларни ўзгартиришга таклифлар кўпайиб бормоқда, иш жараёнида бажараётган иш бўйича яхши таклифлар чиқиб қолади, лекин меъёрий-хужжатларга ўзгартириш киритиш учун кўп вақт талаб этганлиги учун қолиб кетади. Ҳар бир юридик шахс

ўзига алоқадор бўлган ҳуқуқий-норматив хужжатлар билан ишлаш жараёнида камчиликларини билади ва қандай ўзгартиришлар киритилса ўз юритаётган иш соҳасини яхшилаш мумкинлигини билади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий-норматив хужжатларига заруратга кўра ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши, замон талабига асосан вақти билан янгилаш ва такомиллаштириб бориш таклиф берилади. Шунингдек, ҳуқуқий-нормативлар хужжатлар бўйича ягона портал ташкил этиш, ушбу порталга ҳуқуқий-норматив хужжатлар бўйича таклифлар берилишини ташкил этиш таклифини бераман.

4. ХУЛОСА

Маблағларни сарфланиши бўйича чораклик ҳисботлар 2-шакл, баланс, кредитор ва дебитор қарздорликлар ҳамда бошқа ҳисботлар Молия вазирлигининг УзАСБО дастури орқали юритилади. Илгари ушбу ҳисботларни ҳудудлар кесимида бирма-бир шакл киритилиб умумлаштирилган бўлса, ҳозирда эса ҳудудлар жойида УзАСБО дастурига киритади ва Республика бошқармасига юборади, Республика электрон шаклни қабул қилиб олади. УзАСБО дастурини яна бир қулайлик жойи, барча маълумотларни турли хил кўринишда олиш мумкин.

Бугунги замонда давлат томонидан бажариладиган хизматлар электрон ва автомат тарзда бажарилиши жорий қилинмоқда, албатта банк тизимини олсак, банк тизими деярли тўлиқ автомат тизимига ўтган десак бўлади. Шунингдек, давлат ғазначилиги ҳам кўп операцияларини автомат тизимига ўтказгани маълум. Балким келажакда суд қарорларини кўп қисмлари ҳам автомат тарзда, электрон кодексларга асосан чиқарилар. Ушбу кодекслар дастурига асосан чиқарилган қарорлардан, балки ҳеч бир фуқаро норози бўлмас. Албатта, бу жуда мураккаб жаран бўлиб, уни амалга ошириш мумкин бўлган тақдирда ҳам, кодексларни кўплаб модда ва қисмларга ажритиш зарурати юзага келади. Бу эса ўз навбатида судларга қилинаётган харажатларни камайтиради ва бошқа турдаги, инфилляцияни камайтурувчи соҳаларга сарфлаш мумкин бўлади. Бундан келиб чиқиб, Миллий ва халқаро даражадаги энг илғор амалиётлар бўйича маълумотларни алмашишда бюджет менеджерлари ва асосий манфаатдор томонлар учун учрашув форуми бўладиган Суд тизими бюджетини шакллантириш бўйича миллий мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш. Бу - маълумотларни тезкор тарзда тўплаш ва бюджет амалиётлари таъсирини баҳолаш орқали инновацион ташабbusларни илгари сурадиган барқарор марказни яратишга хизмат қиласди.

Миллий марказ асосий бюджет субъектларига янгиланган стратегиялар, усуслар ва бошқарувни модернизация қилиш механизмларини тақдим қилиш учун ҳамкасблар ва халқаро мутахассилар билан тажриба алмашиш имконини беради. Дастрлабки тадқиқотлар доирасида марказни ташкил этиш, ишга туширишнинг асосий босқичларини аниқлаш, маълумотларни бошқариш ва баҳолаш бўйича тартиб-қоидаларни белгилаш учун зарур бўлган шартшароитлар яратилиши керак.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат

дастури тўғрисидаги 02.03.2020 ПФ-5953-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўрсатилганидек, 2021 йилдан судьялар ва суд ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлиқ Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш чораларини кўриш, бунинг учун бюджетда алоҳида сатрни ажратиш белгиланган.

Бундан ташқари судьялар ва суд ходимларининг иш ҳақини ошириш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш нормаларини қайта кўриб чиқиш ва халқаро стандартларга мослаштириш ҳам суд тизимини молиялаштиришда устувор йўналишлардан бири, олий судлов амалга ошириш, суд тизимида коррупция билан курашиш бўйича илғор қадамдир.

Суд инфраструктурасига ҳам катта этибор берилиши лозим, янги қурилиши режалаштирилаётган суд биноларини илғор халқаро тажриба асосида лойиҳалаштириш, суд биноларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича дастурни тасдиқлаш, судьяларни қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича қурилган хизмат уй-жойи олиш ҳуқуқига эга бўлган раҳбарлар рўйхатига киритиш, судлар фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник базасини яхшилашга қаратилган манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш ўта муҳимдир.

2021 йилдан судьялар ва суд ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлиқ Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш чораларини кўриш, бунинг учун бюджетда алоҳида сатрни ажратиш суд тизимининг мутлақ мустақиллигини таъминлаш бўйича муҳим қадам ҳисобланади. Ҳозирги кунда суд органларининг структураси ва молиявий таъминоти бўйича такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Судья ва суд ходимлари тезкор топшириқ билан хизмат сафарига юборилган ҳолатда, хизмат сафар учун ўтказиладиган аванс тўловини 1-2 соат ичида тўлаб бериш имкони бўлмайди, шу сабаб, хизмат сафар учун тўланадиган маблағларни айрим қисмини нақд пул шаклда сейфда сақлаш масаласини кўриб чиқиш лозим.

Автомашина техникалар ичида асраб авайлашда мураккаб ҳисобланади. Ҳайдовчи автомашинани ҳайдаш жараёнида йўлларга эътибор бериши, ўз вақтида мой ва керакли қисмларини алмаштириш, тўғри ҳайдашга эътибор қаратиши лозим бўлади. Суддаги автомашиналарни химояга олиш учун автомашина қисмларига Департаментнинг ихчамлаштирилган мухрини уриш, шунда ҳам кичик қисмларига муҳр уришни имкони йук, белгиланган мой ва қисмларни муддати келганда алмаштириш графиги ташкил этиш лозим бўлар. Шунингдек, автомашина таъмирлаш жойларига қўшимча талаблар қўйиш, яъни келган автомашиналарни рўйхатга олиш китобини ташкил этиш, таъмирлаш жойида хар томондан автомашинани кўриш мумкин бўлган кузатув камералар ташкил этиш мумкин. Бундан ташқари, автомашинани кўпроқ асосий қисмларига, яъни кузов, мотор, стартер, аккумулятор, шина, диск ва бошқа қисмларга рақамлаштирилган белги қўйиш, ишлаб чиқарувчи ҳаридорга ушбу рақамлаштирилган белгилар бўйича қўшимча маълумот хужжатини берилишини ташкил этиш мумкин.

2019 йилнинг сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуqlари бўйича эксперти Диего Гарсия-Саян жаноблари ўз расмий ташрифлари чоғида мазкур судларнинг айримларига ташриф буюриб, судлар мустақиллиги ва суд жараёнларини янада очиқ ва шаффоф ҳолда олиб

борилиши юзасидан юртимизда амалга оширилаётган ишлар бўйича илиқ фикрлар билдириб ўтдилар.

Бундан ташқари, Россия Федерацияси ҳамда Қирғизистон Республикаси Олий судларининг расмий делегациялари ҳам ўз ташрифлари давомида янги қурилган суд биноларини ва судлар томонидан тақдим этилган ахборот-коммуникация воситаларини юқори баҳолади.

БМТнинг тараққиёт дастури ва Олий суд биргаликда суд органлари бўйича кўп лойиҳаларни амалга оширмоқда. Олий суд хузуридаги Департамент томонидан амалга оширилаётган судларни моддий-техник таъминоти муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлардаги суд биноларида фуқаролар, судья ва суд органлари ходимлари, адвокат, прокурор, она ва бола, тиббий хизмат кўрсатиш, психологияр ва бошқалар учун яратилган шароитларни ва моддий-техник таъминлаш амалиётини ўрганишни тақозо этмоқда. Юқоридагиларни инобатга олиб ривожланган давлатлар амалиётини ўрганиш ва тажриба алмашишга эътибор қаратишимиз зарур бўлмоқда. Ушбу масалани яқин орада амалга ошириладиган режаларга киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.


Хулоса қилиб айтганда Суд департаменти маблағга бўлган талабни ҳисоблаш ва бюджет ижроси мезонлари тўғрисида ҳаққоний маълумот берадиган маълумотларни аҳоли учун тушунарли тилда ёзиш ва фуқаролар мазкур маълумотлардан фойдалана олиши учун имконият яратувчи стратегик вазифа ҳамда саъй-ҳаракатларни амалга оширишнинг тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиши керак, ҳамда барча маълумотлар Олий суд сайтида жойлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади.



ISBN 1851520394



**САСИ СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
МОЛИЯЛАНТИРИШТИЗИМИ**



**Малака даражалари учун судьяларнинг лавозим маошларига
қўшиладиган ҳар ойлик қўшимча ҳақ
МИҚДОРЛАРИ**

Даражা номи	Лавозим маошларига қўшиладиган қўшимча ҳақ миқдори фоизда
5-малака даражасига эга бўлган судья	24
4-малака даражасига эга бўлган судья	28
3-малака даражасига эга бўлган судья	32
2-малака даражасига эга бўлган судья	36
1-малака даражасига эга бўлган судья	40
Олий малака даражасига эга бўлган судья	50

**Суд органлари ходимларининг лавозим маошларига мартаба даражалари учун
қўшиладиган ҳар ойлик қўшимча ҳақ
МИҚДОРЛАРИ**

Даражা номи	Лавозим маошларига қўшиладиган қўшимча ҳақ миқдори фоизда
3-даражали юрист	20
2-даражали юрист	24
1-даражали юрист	28
3-даражали адлия маслаҳатчиси	32
2-даражали адлия маслаҳатчиси	36
1-даражали адлия маслаҳатчиси	40
3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси	44
2-даражали давлат адлия маслаҳатчиси	47
1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси	50
Ҳақиқий давлат адлия маслаҳатчиси	50

**Суд органларининг малака даражалари ва мартаба даражаларига эга бўлган
судьялари ва ходимларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун бериладиган
ҳар ойлик устама ҳақ миқдорлари, лавозим маошига нисбатан фоизда**

Суд ва адлия органларидаги умумий иш стажи	Лавозим маошларига қўшиладиган қўшимча ҳақ миқдори фоизда
2 йилдан 5 йилгacha бўлганда	5
5 йилдан 10 йилгacha бўлганда	10
10 йилдан 15 йилгacha бўлганда	15
15 йилдан 20 йилгacha бўлганда	20
20 йилдан 25 йилгacha бўлганда	25
25 йилдан 30 йилгacha бўлганда	30
30 йилдан ортиқ бўлганда	40

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш
департаменти тузилмаси**

Лавозимлар номланиши	Сони
Марказий аппарат	
Директор	1
Директор ўринбосари	1
Юрисконсульт	1
Молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш бўлими	3
Бўлим бошлиғи	1
Бош мутахассис	2
Капитал қурилиш ва асосий фондлардан фойдаланиш бўлими	2
Бўлим бошлиғи	1
Бош муҳандис	1
Кадрлар бўлими	1
Бош инспектор	1
Марказий бухгалтерия	3
Бош ҳисобчи	1
Бош мутахассис	2
Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси шўъбаси	
Бош мутахассис	2
Жами	14
Ҳудудий бўлимлари	
Бошлиқ	1
Қурилиш ва асосий фондлардан фойдаланиш бўйича бош муҳандис	1
Бухгалтерия	2
Бош ҳисобчи	1
Бош мутахассис	1
Жами	4
Республика бўйича жами	56
Умумий сони	70



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИ